

**Абулқосимов Ҳ.П.,**

Умаров О.О. Ишбилармонликни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

**Абулқосимов Ҳ.П.,**

Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

**Умаров О.О.,**

Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси ўқитувчиси

## ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ

### **АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., УМАРОВ О.О. ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ**

Мақолада ишбилармонлик-бизнес юритиш учун амалий қулай шароит яратиб беришнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдаги роли ҳамда аҳамияти кўрсатилган. Унда республикамизда сўнгги йилларда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар баён этилган. Шунингдек, тадбиркорликнинг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида айрим мулоҳазалар келтирилган.

Таянч иборалар: бизнес, тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити, солиқлар, солиқ юки, кредит.

### **АБУЛКАСИМОВ Ҳ.П., УМАРОВ О.О. ФОРМИРОВАНИЕ ДЕЛОВОЙ СРЕДЫ, ПОДДЕРЖКА И СТИМУЛИРОВАНИЕ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

В статье показана роль и значение создание благоприятной деловой среды и условия ведения бизнеса в поддержке и стимулировании развития малого бизнеса и частного предпринимательства. В ней изложены осуществляемые в республике меры по созданию благоприятной деловой среды. Определены некоторые проблемы, тормозящие развития предпринимательства и изложены соображения по поводу их решения.

Ключевые слова: бизнес, предпринимательство, малый бизнес и частное предпринимательство, деловая среда, налоги, налоговое бремя, кредит.

**ABULKASIMOV H.P., UMAROV O.O. FORMATION OF THE BUSINESS ENVIRONMENT, SUPPORT AND ENCOURAGE THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP**

The article shows the role and importance of creating a favorable business environment, and conditions of the managing business to support and encourage the development of small business and private entrepreneurship. There are provided measures implemented in the country to create a favorable business environment. It is identified some problems that hinder the development of entrepreneurship and presented some considerations of their solution.

Keywords: business, entrepreneurship, small business and private entrepreneurship, the business environment, taxes, the tax burden, credit.

**Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки давридан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кўп укладли бозор иқтисодиётини ташкил этишнинг, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва даромадларини ўстиришнинг, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосини ташкил этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасида: “Ишбилармонлик – бизнес юртиш учун қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислох этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур”<sup>1</sup>, деб таъкидладилар.

Мамлакатимиз тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2013 йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган кор-

хоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилиши натижасида унинг улуши ялпи ички маҳсулотда 2000 йилдаги 31% дан 2013 йилда 55,8% га, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 11,3% дан 23% га, қурилишда 37,0% дан 71% дан зиёдга, аҳоли бандлигида 49,7% дан 75% га, уларнинг экспортдаги улуши 2000 йилдаги 10,2% дан 2013 йилда 18% га ўсди. Бугунги кунда кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси кичик бизнес улушига тўғри келмоқда<sup>2</sup>.

Президентимиз И.А.Каримов: “Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровон-

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. –29-б.

<sup>2</sup> Ўша асар, 7-бет.

лигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидлайдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори даражада ўсиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда унинг салбий оқибатларини енгишда, бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов 2012 йил 14 сентябрда ташкил этилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган маърузаларида: “Мазкур соҳани тез суръатлар билан тараққий топтириш ва умуман, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича биз танлаган модел 2008 йилда бошланган, бугунги кунда, афсуски, чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий ва ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Ўзбекистон учун ҳал қилувчи роль ўйнади”<sup>2</sup>, деб таъкидлайдилар. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан кам бўлмаган юқори суръатлар билан ривожланаётганлиги бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат барқарор ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. –7-6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2012 йил 15 сентябрь.

мутаносиб иқтисодий ўсишни, шу билан бирга аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, 2000 йилда республика миқёсида 118 мингта, шу жумладан, кичик бизнес соҳасида 78 мингта, касаначиликда 18 мингта иш ўринлари яратилган бўлса, 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. 2013 йилда касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, меҳнат соҳасига 500 минг нафар касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Аҳоли даромадларининг ярмидан зиёдини тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20–25 фоиздан ошмай-

<sup>3</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. –18–19, 31-6.

ди<sup>1</sup>. Энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Кўпгина, шу жумладан, қўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жадал ривожланишида мустақкам қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг шакллантирилиши, яратилган турли имтиёзлар ва қулай ишбилармонлик-бизнес учун амалий шартшароитлар муҳим аҳамият касб этди. Ишбилармонлик муҳити бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, юритиш учун мамлакатда яратилган қонуний шартшароитлар, тартиботлар, унинг қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва кафолатлари мажмуасидир. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов: "Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодийтимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида биз улкан ишларни амалга оширдик"<sup>3</sup>, деб таъкидлайдилар. Жумладан, мустақиллик йилларида умумий солиқ юки 1993–2013 йилларда солиқ юки ЯИМга нисбатан 45%дан 21,3% га камайтирилди. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1995 йилги 38% дан 2013 йилда 9% га пасайтирилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 2005 йилдаги 13% дан 2013 йилда 6%, саноат соҳасида эса 5% га туширилди<sup>4</sup>. Шу билан бирга дав-

лат томонидан ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирувчи корхоналарга ҳамда инвестицияларни жалб этувчи ва янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига бир қатор имтиёзлар яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 2001 йилдаги 171,5 миллиард сўмдан 2013 йилда 6 триллион 981,6 миллиард сўмга ўсди. Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 2013 йил давомида ажратилган кредитлар миқдори 140,1 миллиард сўмни ташкил этди. 2013 йилда имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 48,9 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, олис ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлардаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 13,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди<sup>5</sup>.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 18

<sup>1</sup> Ўша асар, 22–23-б.

<sup>2</sup> Ўша асар, 23-б.

<sup>3</sup> Ўша асар, 29-б..

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2000 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. –25-б; Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетень. 2011 йил. – Т., ИТМ, 2012. –29-б; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли “Стастистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, рухсат беришга доир 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистика ҳисобот шакллари, 6 та солиқ ҳисоботи шакллари бекор қилиниб, уларни топшириш даврийлиги 2 баробардан зиёд қисқартирилди. Шунингдек, молиявий ҳисоботларни топшириш шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган 22 та аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада ривожантириш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилди<sup>1</sup>:

- сув таъминоти ва канализация тармоқларига уланиш учун рухсат бериш муддати 2 кунга қисқартирилди;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

- тадбиркорлик субъектларини телефон тармоғига улаш умумий муддати 10 кунга камайтирилди;

- кредит ташкилотлари томонидан фуқаролик ишлари судларига кредитлар, заёмлар ва бошқа қарздорликларни ундириш бўйича даъво аризаси киритишда давлат божи ставкаси даъво суммасининг 20% идан 2% ига туширилди;

- юкларни божхона расмийлаштируви муддати ва маҳсулотнинг келиб чиқиш сертификатини бериш муддати 3 кунга туширилди;

- юқори малакага эга бўлган хорижий фуқароларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш муддати 15 кунга қисқартирилди;

- хўжалик ишлари судларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш бўйича ариза беришда давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 20 бараваридан 3 бараваригача туширилди;

- импорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилган давлатни тасдиқлаш тартиботи бекор қилинди;

- янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиботлари сони 6 тадан 3 тага, бунинг учун сарфланадиган муддат 14 кундан 4 кунгача қисқартирилди. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўнталикка кирган давлатларда бу кўрсаткичлар, мос равишда, 1–6 тартибот, 1–13 кунни ташкил этади<sup>2</sup>;

- мулкни рўйхатга олиш тартиботлари сони 12 тадан 1 тагача камайтирилиб, бунинг учун сарфланадиган муддат 78 кундан 7 кунгача қисқартирилди. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи

<sup>2</sup> Турдиев Д.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинарида қилган маърузаси. 2013 йил. 21 январь.

ўнталикка кирган давлатларда, мос равишда, 1–7 тартибот ва 2–38 кунни ташкил этади<sup>1</sup>;

- экспортни амалга ошириш учун тақдим этиладиган хужжатлар сони 6 тадан 4 тагача қисқартирилди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўнталикка кирган давлатларда бундай ҳужжатлар сони 3–7 тани ташкил этади;<sup>2</sup>

- импортни амалга ошириш учун тақдим этиладиган хужжатлар сони 11 тадан 5 тагача қисқартирилди. Илғор давлатларда бундай ҳужжатлар сони 3–5 тани ташкил этади<sup>3</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада эркинлик бериш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўнталикка кирган давлатлардагидан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилган. Натижада, Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди<sup>4</sup>. Шу билан бирга, Юртбошимиз ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолатида учраётган баъзи камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтадилар: “Айни пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда-

ги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз. Тадбиркорларимиз қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда”<sup>5</sup>. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Президентимиз И.А.Каримов томонидан қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олиш;

- лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга ўтишни тезроқ амалга ошириш;

- электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш;

- 2004 йилда қабул қилинган ва бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлашб.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада эркинлик бериш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни давом эттириш учун қуйидаги

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. –29-б.

<sup>5</sup> Ўша асар, 29–30-б.

<sup>6</sup> Ўша асар, 30-б.

чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юриштириш учун турли рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларини янада соддалаштириш ва оқилонлаштиришни ҳамда арзонлаштиришни давом эттириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион лойиҳаларга кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг илмий марказ ва муассасалари, олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш. Олий ва ўрта махсус таълим – фан – кичик бизнес соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг узвий алоқадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда уларнинг манфаатдорлиги ва маъсулиятини ошириш;

- товар ва молия бозорларини янада эркинлаштириш, бозор конъюнктураси ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш ва олиш тизимини кенгайтириш;

- республика шаҳар ва қишлоқларида кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш ишларини давом эттириш. Ички автомобил йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини жадал амалга ошириш, қишлоқ жойларида газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар учун мутасадди ташкилотлар жавобгарлигини ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда нодавлат ва нотижорат, жамоат ташкилотларининг ролини янада ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий йўналишидаги олий ўқув юртларида “Кичик бизнесни бошқариш” ихтисослиги бўйича юқори маалакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш.

### Адабиётлар:

10. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли “Рақобат тўғрисида”ги қонуни.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 69-II-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

15. Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2012 йил 15 сентябрь.

16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: "Ўзбекистон", 2014.

17. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2000 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. – Т.: "Ўзбекистон", 2011.

18. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетень. 2011 йил. –Т., ИТМ, 2012.

19. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т., ЦЭИ, 2013.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.